

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 284-ҳадис

284 – وَعَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ حَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ مَا حَقُّ زَوْجَةِ أَحَدِنَا عَلَيْهِ؟

قَالَ: «أَنْ تُطْعِمَهَا إِذَا طَعِمْتَ، وَتَكْسُوَهَا إِذَا اكْتَسَيْتَ وَلَا تَضْرِبَ الْوَجْهَ، وَلَا تَقْبَحَ، وَلَا تَهْجُرَ إِلَّا

فِي الْبَيْتِ» حَدِيثٌ حَسَنٌ رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَقَالَ: مَعْنَى: «لَا تَقْبَحَ» أَي: لَا تَقُلْ قَبْحَكَ اللَّهُ. [د

. [2142

284. Муовия ибн Ҳайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аёлларимизнинг зиммамиздаги қандай ҳақлари бор?» дедим. У зот шундай дедилар: «Есанг, уни ҳам едирасан, кийсанг, уни ҳам кийдирасан. Юзига урма. Ҳақоратлама ва уйдан бошқа жойда ҳажр қилма».

Ҳасан ҳадис бўлиб, Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: “Аёллар итоат қилсалар, уларга зулм қилишдан сақланинглар. Албатта, Аллоҳ олий ва буюқдир” (Нисо сураси, 34-оят).

Хотини итоат этса ҳам ундан кучли бўлгани учун унга зулм қилишни нафси чиройли қилиб кўрсатган ҳой эрлар, билиб қўйинг, олий ва буюқ Аллоҳ аёлларнинг валийсидир ва У аёлларга зулму тажовуз қилган кимсалардан интиқом олиб, аёлларга ёрдам беришга, зулмни улардан даф қилишга қодир Зотдир.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида қуйидагиларни айтган: “Агар хотин эри хоҳлаган барча мувоҳиш ишларда унга итоат этса, бундай аёлга озор беришга йўл излаши эрга дуруст бўлмайди. Уни уриш, тўшакни алоҳида қилиб қўйиш мумкин эмас. Аллоҳ таолонинг: “Албатта, Аллоҳ олий ва буюқдир” деган сўзлари хотинига зулм қиладиган, сабабсиз таъзирини берадиган эрларга таҳдиддир. Олий ва буюқ Аллоҳ аёлларнинг валийсидир ва У аёлларга зулму тажовуз қилган кимсалардан интиқом олади”.

Шунга ўхшаш сўзларни Ибн Жарир Табарий ҳам айтган, фақат озгина

қўшимча қилиб: “Агар аёл эрига итоат этаётган бўлса, бироқ эрини яхши кўрмаса, эри уни яхши кўришга мажбурлаши ва шу боис унга озор бериши мумкин бўлмайди. Чунки муҳаббат қўйиш ё қўймаслик аёлнинг қўлида эмас”, деган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI